

---

## Фарғона шаҳрининг "Мастер режаси"ни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш мақсадида танлов эълон қилинади

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 октябрдаги 548-Ф-сонли Фармойишининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Фарғона шаҳри ва унга туташ ҳудуддаги маҳаллаларни ривожлантириш учун Фарғона вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" Инжинеринг компанияси буюртмачилигида ҳудудларни ривожлантиришнинг ягона концепцияси – "Мастер-режа"ни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатларнинг консалтинг, архитектура ва лойиҳа компаниялари экспертлари билан "Мастер-режа"ларни ишлаб чиқиш бўйича истисно тариқасида энг яхши таклифларни танлаш мақсадида танлов эълон қилинади.

Хорижий компаниялар томонидан мастер режаларни ишлаб чиқиш таклифлари ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати 2022 йил 25 ноябрга қадар.

Лойиҳа топшириғи: [ferghana.uz](http://ferghana.uz) pages

Баҳолаш мезонлари:

1. Техник тасдиқлаш сифати (қўриш+ёндашув): 30 %
2. Лойиҳа жамоасининг сифати (ходимлар): 20 %
3. Портфолио ва шунга ўхшаш лойиҳалар (тажриба) 20 %
4. Иш режаси (жадвал) 10 %
5. Молиявий таклиф (нарх): 20 %

Таклифларни тақдим этиш учун:

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси

Телефон: (73) 244-55-64 (93) 980-92-96

Манзил: Фарғона вилояти, 150100, Фарғона шаҳар Темир йўл кўчаси, 37-уй

email:[info@ferghana.uz](mailto:info@ferghana.uz)

2022-11-09 18:19:35